

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
бўй-
да
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 20 сентябрь, №194 (3306)

Шанба

МДХНИНГ ЯЛТА САММИТИ

ЯЛТА, 19 сентябрь.
(ЎзА махсус мухбири
Анвар Бобоев хабар
қилади).

Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов МДХ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтадиган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида интеграция жараёнини чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сийсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда қўрилган масалалар қўлама кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қис-

ми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланди. Президентлар 2010 йилгача иқтисодий соҳасидаги ўта муҳим чоратadbirlарни амалга ошириш режасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжат Ҳамдўстлик ҳудудида эркин савдо зонасини яратиш ҳамда ёқилги-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутди.

Саммитда МДХ органлари фаолияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДХ тузилганига ўн икки йил тўлади. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олинган турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДХ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тугган ўрни ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДХ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий.



Президент Ислам Каримов саммитга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

— МДХ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчалангандан кейин эски тузум сарқитларини тугатишга ҳисса қўшди. Парчаланган империя

ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сийсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқла-

римиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДХнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Ҳамдўстлик саммитларида сийсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятдан кўпроқ манфаатдормиз.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу галги мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилинди ва самара беришга эришди. Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Бироқ, шу маънода, МДХга аъзо мамлакатлар турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу маънода МДХнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилгани билан аҳамиятлидир.

СУРАТДА: таширф пайти.

ЎзА сурати.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бехбўд БОТИРОВ).
“Ўзпахтасаноат” ҳиссасдорлик уюшмасида ўтган йилги пахта қайта ишлаш натижалари ва янги ҳосилни қабул қилиб олиш ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тегишли вазирлик, бирлашма ва корхоналар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Йилгиликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

ПАХТА МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИ

Уюшма таркибидаги корхоналарда хомашени қабул қилиш ва қайта ишлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу ишбилармон раҳбар ва мутахассисларнинг жой-жойига қўйилаётгани, тизимга замонавий технология киритилаётгани билан боғлиқ.

Ўтган йили уюшманинг Сурахондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ҳудудий бирлашмалари тизимдаги корхоналар тола ишлаб чиқариш бўйича яхши натижаларга эришди. Акциядорлик жамиятларида шу йилнинг биринчи ярмида акция сотиш режаси орғини билан бажарилди. Тушган маблағнинг элик фонзи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашга сарфланди. Бу эса маҳсулот сифатининг яхши-ланишида муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда Жиззах, Хоразм, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги натижалар республика кўрсаткичидан анча паст бўлгани кузати-

ди. Мамлакатимиз бўйича 21 пахта тозалаш корхонасида тола олиш режаси удалланмади. Жиззах ва Сирдарё бирлашмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннари қўтарилиб кетгани туфайли бир тонна толадан келадиган фойда ва рентабеллик даражаси уюшманинг ўртача кўрсаткичидан кам бўлди.

Тизимдаги корхоналарни реконструкция қилишнинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган дастурига биноан 40 пахта тозалаш корхонаси қайта таъмирланди. Ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 130 дан зиёд янги машина ва ускуна ўрнатилди, бешта пахта тозалаш корхонаси шаҳардан ташқарига қўрилди. Олот ва Гулистон пахта тозалаш корхоналари ишга тушиш арафасида.

Йилгиликда соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазифаларнинг ичроси юзасидан тегишли жора-тадбирлар белгилаб олинди.

ТИНЧЛИК ҚЎНҒИРОҒИ ЖАРАНГЛАДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Эабек ХОЛИҚОВ).

Президентимиз Ислам Каримовнинг минтақамизда, қолаверса, бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш борасида изчиллик билан илгари суриб келётган ташаббуслари жаҳон жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Мамлакатимиз тинчликпарвар давлат сифатида ном қозонган.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги боғига ўрнатилган “Тинчлик қўнғирғи”ни чалиш маросимида шу хуеуеда сўз юритилди. “Тинчлик қўнғирғи” мажмуи шу йилнинг апрель ойида, МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўрнатилган эди.

Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти 2003 йил 19 сентябрни жаҳонда “Тинчлик қўнғирғи” янғиратилган кун деб белгиланган. Айни шу вақтда Япония, Польша, Канада, Бразилия, Туркия, Германия, Австралия каби давлатларда қўнғирқ бонг уриб, инсониятни 1945 йилда Ҳирошима ва Нагасаки шаҳарларида содир этилган атом фожасини тақрорлашмасликка чорлайди. Унинг бу галги садоси халқларни дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, хотиржамлик ва бўёнборликка даъват этувчи ўзига хос тилак ўлароқ янғиради.

Табрида Ўзбекистон хоржий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси Н.Иброҳимов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фақуллода ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

ДОВРУҒИ ДОСТОН ЮРТИМ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган тантаналар нафақат мамлакатимизда, балки давлатимизнинг хориздаги ваколатхоналарида ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

маъмурияти, Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Пентагон, Конгресс, Вашингтонда акредитациядан ўтган дипломатик корпус, таҳлилий ва ижтимоий — сийсий доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бор эди.

Қабул маросими давомида меҳмонлар бир неча мартаба Ўзбекистон ва шаҳсан Президент Ислам Каримовнинг АҚШ бошчилигида терроризмга қарши олиб борилаётган глобал курашни ҳамда Афғонистонда ва Ироқда амалга оширилаётган операцияларни қўллаб-қувватлаганини миннатдорлик билан тилга олишиб, Ўзбекистон эмвек ўзгарувчанликка эмвек, балки принципал фикр-мулоҳазаларга асосланганини таъкидлашди.

АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари департаменти директори М.Брайз «АҚШ маъмурияти сийсатиде Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистон билан муносабатлар муҳим ўрин тутди», — деб таъкидлади.

Конгрессмен К.Уэлдоннинг фикрича, «АҚШ Конгресси — Ўзбекистон Олий Мажлиси илчи гуруҳининг ташкил этилиши ҳам қонунчилик, ҳам ижроия ҳокимиятлари даражасида Америка — Ўзбекистон муносабатларининг чуқурлашуви давом этганини яққол исботлайди.

Ўзбекистон билан мустақам ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатаётган давлатлар орасида Германия етакчи ўринлардан бирини эгал-

лайди. Шунинг учун Берлиндаги Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси биносиде ўтказилган ўзбек халқининг асосий байрами тантаналарида таширф буроган меҳмонларнинг асарияти шодиёна руҳни тўла ҳис қилганликларидан мамнун бўлиш билан бирга ўз таассуротлари ва истакларини ҳам ишҳор этишди.

Улардан бири — «Ост-Вест Контакт» иқтисодий журнали редактори Ева Бур Ўзбекистон ҳақида ўқитган ва эшитилганлари ўз кўзи билан кўриш имкониятига муяссар бўлганини маълум қилди.

— Албатта, Ўзбекистонни зиёрат қилиш учун етарлича вақт бўлмаса-да, сафарим чоғида энг асосий нарсани — мамлакатиниғизда амалга

оширилаётган йўл қурилишлари, қад кўтарётган янги бинолар, маъмурий иншоотлар ва шу каби йирик лойиҳалар бўёнборлик ва яратувчанлик руҳини акс эттирмоқда. Бунга эса фақат хотиржамлик ва тинчлик шароитида эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган байрам тантаналарида иштирок этган Туркиянинг собиқ Президенти С.Демирел юртимизда амалга оширилаётган илохотлар ҳақида фикр билдирар экан, жумладан шундай деди:

— Ўтган 12 йил давомида Ўзбекистон бошқа мамлакатлар 30 йилда ҳам амалга оширолмайдиган ишларнинг (Давоми 2-бетда).

Нукуеда соғлиқни сақлаш тизимидаги илохотларни чуқурлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Бегдуд Сўлтонов бошқариб борган ушбу йи-

Семинар-кенгаш

ғилишда тармоқ мутасаддилари билан бир қаторда халқаро соғлиқни сақлаш ҳамда молия муассасалари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, экологик вазиетини янада юмшатиш, соғлиқни сақлаш муассасалари ишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Янгибўй КҲҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган давлатлардан биридир. Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги бугунги муносабатларни фарқлаб турувчи ишонч ва хайрхоҳлик давлатимизнинг Вашингтондаги элчихонасида байрам тантаналарига бағишлаб ўтказилган қабул маросими давомида ҳам ҳис этилди.

Табрида ҳозир бўлган меҳмонлар орасида АҚШ


Тошкент Матбаа комбинатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Тошқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлиғида ишга туширилган янги матбаа мажмуининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ЯНГИ МАТБАА МАЖМУИ

Табрида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамоллиғида наприёт-матбаа соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади.

Мазкур корхонага Япония ҳукумати ажратган бегараз молиявий ёрдам асосида ўрнатилган Германиянинг “Manugraph” русумли ускунаси соатига тўрт хил рангда 30 минг нусха газета-журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари босиш имкониятига эга.

— Ўзбекистон фахрланас арзийдиган қўхна тарих ва бой маданиятга эга, деди Япониянинг юртимиздаги Фақуллода ва мухтор элчиси Акио Кавато ЎзА мухбирига. — Буларнинг ҳаммасини халқиниғизга, айниқса, ёшларниғиз оғ-шурига нечоғлиқ аниқ ва пухта етказишда матбаа муҳим ўрин тутди. Япония гранти асосида ўрнатилган ушбу ускуналар мажмуаси ана шу мақсадага хизмат қилади. Улар газета ва журналлардан ташқари, ранг-баранг китоблар, дарсликлар чоп этиш учун



ҳам мўлжалланган. Табрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Сўлтонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири. СУРАТДА: иш жараёни. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил иқтисодий илохотлар йўлини танлаганидан сўнг, ҳукумат олдида мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, моҳиятан янги солиқ тизимини явулдура келтириш вазифаси турар эди. Зеро, иқтисодиётни бошқариш борасида совет маъмурий-бўйрук-бозлик тизимидан мерос қолган бюджетни шакллантириш механизми ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талабларига мос келмас, мамлакатимиз манфаатларига жавоб бермас эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1992 йилдаёқ юртимизда эндигина шакллантирилган солиқ тизим катта эътиборни ва такомиллаштиришни талаб этади, деган эди.

Солиқ илохотларини амалга оширишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан қўйилган масалаларни ҳал қилиш устувор вазифа сифатида қўйилди. Биринчидан — корхоналарга нисбатан солиқ юкнини имкон қадар камайтириш, бунда корхона ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф эта олиш салоҳиятига эга бўлиши. Энг аввало, бевосита солиқларни камайтириш ва билвосита солиқларнинг ҳамда ресурс тўловларини, айниқса, қайта тикланмайдиган табиий бойликлар, ер ва сув захираларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишни оптималлаштиришга алоҳида

аҳамият бериш лозим. Иккинчидан — ишлаб чиқарувчилардан бюджет ва бюджетдан ташқари фондар учун ундириладиган солиқлар суммаси ялли ички маҳсулот (ЯИМ) ва иқтисодий ривожланишнинг белгиланган сурь-атларида оптимал равишда мувофиқлаштирилиши керак.

Учинчидан — солиқ сийсатини шакллантириш пайтидаги бюджетларга нисбатларга қатъий риоя қилиш, ялли даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларга қилини кераклиги, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига келиб тушиши лозимлигини оптимал нисбатларини таъмин-

лаш керак.

Тўртинчидан — солиқларни бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш механизмларини соддалаштириш бўйича доимий иш олиб бориш.

Бешинчидан — йиллик солиқ сийсатини шакллантиришда давлат харажатларининг мумкин қадар қисқартирилиши ва оптималлаштирилишини энг муҳим устуворлик сифатида инобатга олиш.

Бозор муносабатлари, ҳужалик юретишининг янги шакллари ривожланиши билан солиқ қонуничилиги энг эриш-қадиган ҳамда илохотларнинг тегишли босқичи шароитига мос келадиган жадалий ўзгаришларга учради. Шу тарзда янгилишни ва илохотлар туфайли республикада бюджетнинг даромад қисмининг барқарор шаклланишини таъминловчи ва иқтисодий ўсишни рабатлантирувчи режали, халқаро тамойиллар ва мейёрларга мос келадиган солиқ тизими яратилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз

раҳбарияти томонидан солиқ тўловчиларда маъсулият ҳиссини, солиқларнинг мақсадли йўналтирилганлигини аниқлаш ҳиссини шакллантириш ва тарбиясини энг муҳим вазифа деб белгиланган. Солиқ тўловчилар нима учун солиқ тўлаётганликлари, уларнинг миқдори нима сабабдан ошгани ёки камайтирилганлигини яхши тушунишлари керак. Энг муҳими — солиқлар таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш орқали ала-оқибат солиқ тўловчиларнинг ўзига қайтиши ва уларнинг манфаатларига хизмат қилишини аниқлашлари лозим.

СОЛИҚЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Солиқ механизми иқтисодиётни бошқаришнинг бозор воситалари орасида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга со-

лувчи механизмларнинг истиқболли эканлигини ва бунда давлат иштирокида фақат иқтисодий воситалар ва рабатлар сақланиб қолишини ҳамда уларнинг таркибий қисми солиқлар эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Солиқлар иқтисодий сийсатининг энг амалий воситасидир.

Қандай солиқ сийсати юртилётгани ва солиққа тортиш соҳасидеги чора-тадбирлар қанчалик самарали эканлиги ҳақида шў асосда барқарор иқтисодий ривожланишга эришининг асосий воситаларидан биридир.

Солиқ муносабатлари қанчалик ривожланганлигидан қатъи назар солиқ тизими ўзининг асосий вазифаси — фискал, қайта тақсимлаш ва рабатлантириш вазифасининг бажарилишини таъминлаши лозим. Энг муҳими, мажбул солиққа тортиш тизим стратегик мақсадларга ҳам, айни пайтда, иқтисодий илохотларнинг қисқа, ўрта ва узоқ мудатли мақсадларига ҳам мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак.

(Давоми 2-бетда).

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш, хотирасини эъозлаш ва абдиқилиштиришга катта эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг IX сессиясида ушбу аждодларимиз қабрларини, қадимжоларини ободонлаштириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Бундан ташқари жорий йилнинг 17-18 июнь кунлари Президентимизнинг Эрон Ислому Республикасига расмий ташрифи арафасида журналистлар билан суҳбатда, Техрондаги музокарада ҳам бу мавзу яна бир бор тилга олинди, Афғонистон бу масалада Ўзбекистонга ҳар томонлама шартот яратиб беришига тайёр эканлигини билдирган эди.

МАНГУ ЁНИҚ ЧИРОҚЛАР

Маълумки, кўпгина аждодларимиз Афғонистонда мангу кўнмин топан. 20 йиллик уруш оқибатида уларнинг сўғити масканлари қаровсиз ҳолга тушиб қолди. Олий Мажлис ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларда ана шундай мақбаралар ва қадимжоларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш кўзда тутилган. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий Мажлис депутаты Зокиржон Машрабов раҳбарлик қилаётган Бобур халқаро жамғармаси борда катта ишлар қилмоқда. Жамғарма аъзолари кейинги йилларда ўндан ортиқ Шарқ мамлакатларида бўлиб, нафақат Бобур ва Бобурийлар, балки яна кўплай буюк ватандошларимиз ҳаёти, ижоди ҳақида нодир манбалар тўплади. 2003 йилнинг август ойида мазкур жамғарма томонидан Афғонистонга илмий сафар уюштирилди. 21 кун давомида қимматли маълумотлар йиғилди. Маълумо Лутфийнинг қабри аниқланди. Зейлилар билан суҳбатлар ва учрашувлар ўтказилди.

Кеча республика «Мавнавият ва таърифат» марказида бўлиб ўтган тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди ва бундай хайрли юмушларга кенг жамоатчиликни, зиёлиларни, тадбиркорларни жалб этиш зарурлиги ўқтирилди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов чиқишларида Юртбошимизнинг Навоий ижодини бағоят улуғлашгани, уни давлат сийсати даражасига кўрсатган ва азму шижоат билан бунга бутун дунё эътиборини қаратаётганини ўз аксини топди. Зеро, юртимизда амалга ошириладиган бундай хайрли ишлар ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилотлар диққатини тортаётгани беиз эмас.

Алишер Навоий қабрини ободонлаштириш йўлида амалий қadam ташланганини, шоир қабри муҳташам ёдгорлик мажмуи айлантирилиши ва 2004 йил урталарида қуриб битказилиши таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Султонов сўзга чиқди.

Гулҳеҳра ЙҮЛДШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ДОВРУҒИ ДОСТОН ЮРТИ

Қилинган расмий қабул маросими тўғрисида мамлакатнинг етакчи Мингилийлик демократик партия раиси Чон Де Чок ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Айнан шу тадбир муносабати билан Ўзбекистон ва ўзбек халқининг маданий бойликлари, серҳодий ўзбек замнининг бойликлари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлганини таъкидлади.

Қоҳира шаҳрида кўплай маҳаллий матбуот вакиллари иштирокида ўтган қабул маросимига Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири А.Махир Ўзбекистоннинг халқаро доирада нуфузига эътиборни қаратган экан, Миср ҳукумати Ўзбекистон билан давлатлар муносабатлар ривожига катта ишонч билдираётганини ва бу муносабатлар янада яхшилаш учун ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини таъкидлади.

Миср Араб Республикасининг «Айн-Шамс» университети ректори Солиҳ Хашем тадбирда бу қадар кўп давлат арбоблари ва сийсат вакиллари иштирок этгани камдан-кам учрайдиган фақулдода воқеа, деб таърифлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги тантаналари муносабати билан кўплай хорижий давлатлар жамоат арбоблари, давлат ва сийсат, ишбилармон доира вакиллари томонидан турли фикр-мулоҳазалар бадирилди.

Ўзбекистон ўзининг оқибат сийсати натижасида халқаро доирада миссия муваффақиятлари кўлга киритди ва ҳозирги кунда ўз бўлиб-этибори, халқаро нуфузга эга, республикада оқибат бўлиб-этибори демократик ўзгаришлар, иқтисодий ислохотлар ва жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга ошириладиган эркинлаштириш сийсати эса энг юксак баҳога муносиб, десади фикр-мулоҳазаларини халқаро томонлама уйғунлаши эса алоҳида аҳамият касб этади.

Музаффар ЗОХИДОВ, Иқбол СОЛИЕВ, «Жаҳон» АА.

САМАРҚАНД (ЎЗА мухбири Акбар ҚАРШИЕВ). Виллоят ҳокимлигида пахта йилми-теримини ушқоқлик билан ўтказиш ва кузги дон экинни ўз вақтида туғатиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган Йилгили бўлиб ўтди. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков бошқарди.

КУЗГИ ЮМУШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Бу йил 103 минг 400 гектар майлода гўза парвариландиган самарқандлик деҳқонлар терим масмутига пухта ҳозирлик қилган. Ғузани дефляция қилиш борадига ишлар кўнгиладигидек бошланди. Аммо баъзи хўжалиқларда ўтган йили йул қўйилган қаторлар яна такорланмоқда. Хусусан, масмува лозим бўлган техника тўлиқ шайланмаган. Дефляциянинг паллартиши, майдон намлигини ҳисобга олмасдан ўтказишга йул қўйиш хўжалиқлар ҳам йўқ эмас.

Мажлиса дефляциянинг 26 сентябрга тўлиқ якулаш, 21 сентябрдан эса пахта теримига киришни белгиланди. Теримчи ва механикторлар билан терилган пахта учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Ресурс солиқларининг катта салоҳияти

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойлиқлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бошқа иқтисодий табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим роль ўйнайди. Солиқларнинг бошқа турлари билан фарқли ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга: ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра улар рента тўловидир. Бошқача айтганда, бу қайта тикланмайдиган табиий, ер ва сув захираларидан фойдаланганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ресурс тўловлари тизими турли шартотларда жойлашган хўжалиқ юритувчи субъектларнинг бир қисми муайян сабабга кўра даромад солиғига тортиқли қолса, моддий бойликка айланган, мулк солиғига тортилади.

Маҳаллий солиқ сифатида ҳамда солиққа тортишнинг нисбатан барқарор базасига эга бўлгани тўғрисида мулк солиғи маҳаллий бюджетларни молиялашнинг барқарор манбалари билан бири ҳисобланади.

Мулк солиғи келгусида ҳам маҳаллий бюджетларни тўлдирининг муҳим манбаи ва корхоналар томонидан давлат саноат сийсатининг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлиб қолаверади.

Солиқ тизимининг соддалиги ва тушунарлилиги - узоқ муддатли самарадорлиқнинг гарови

Солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайитириш, ҳисоб-китоб механизмининг соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайитириш ҳисобланади. Солиқ сони қанчалик бўлади ва демак, тадбиркорлар ва аҳолига шунча кўп қўлайлик яратилади.

Амалдаги солиқларнинг оптималлаштириш борадиги дастлабки қадам Солиқ кодексига солиқларнинг давлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши билан боғлиқ. Ушбу пайтда қатор самарасиз ва бир-бирини такрорловчи солиқлар, яъни геология-қидирув ишларида четғармалар (ер ости бойлиқларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқни такрорлайди), олиб чиқиб кетиш солиғи (қўшимча қиймат солиғини такрорлайди), ўрмон солиғи, турли йиллар бекор қилинган эди. 2001 йилдан бошлаб ҳам самарали тўлов ва йиллардан воз кечиш сийсати давом эттирилди: реклама солиғи, транспорт воситаларини қайта сотиш солиғи, сотилмаган маҳсулотлар учун метёрдан юқори қолдиқлар учун тўлов, чиқиндилар учун тўлов, атроф-муҳитга зарари чиқиндиларнинг чиқарилиши учун тўловлар бекор қилинди.

Натижада, 1998 йилда, Солиқ кодексига киргизилган, солиқ ва тўловларнинг 24 та тури амал қилган бўлса, 2003 йилда келиб ўларнинг сони 13 га тушиб. Бошқача айтганда, солиқ ислохоти жараёнида сўнгги беш йил давомида амал қилаётган солиқ ва тўловларнинг умумий сони деярли 2 баравар кичирди.

Бу ўринда шун қайд этиш керакки, алоҳида олинган корхона солиқларининг барча турларини тўламоқда. Амалда, умумбелгиланган солиқларнинг тўловчи ишлаб чиқариш корхонаси ҳозирги кунда беш турда солиқ тўлайди - бу даромад солиғи, ҚҚС, мулк солиғи, ер солиғи ва экология солиқларидир.

Кичик бизнес, савдо ва қишлоқ хўжалиғи корхоналари нисбатан солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилмоқда. Булар микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинганда ягона солиқ, ягона ер солиғи, савдо корхоналарининг йилги даромад солиғидир.

Шун қайд қилиш лозимки, дуненинг кўплай мамлакатларида кенг ёйилган солиқ тўловчиларининг алоҳида тоифалар учун махсус солиққа тортиш усулини қўллаш амалиёти республикамиз шартотини муваффақиятлик таъбиқ этилди. Хусусан, кичик корхоналар учун ягона солиқнинг жорий этилиши қўланиш натижасида берилган таъбиқ тадбиркорлиқ ривожлантириш, иқтисодийнинг хусусий сектори даромадларини қўнунийлаштириш ва аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолиятини куйайтиришга эришилди. Бунинг ягона солиқ бўйича тушумлар ҳам исботланди: кичик корхоналар бўйича муштарилик алоҳида қўланишга йўналтирилди, яъни солиқ тўловчининг ўзига ижтимоий тўловлар, стимуллар, таълим ва табиий замиёнлар, тарққий этган инфра-тузилмалар ва бошқа нэматлар шаклида фойдаланганлигини чуқур аниқлаш олиши жуда муҳимдир.

Бундан ташқари, субьектими, жисмоний шахсини — ҳар бир солиқ тўловчи нима учун солиқ тўлаётганини алоҳида тасаввур этишига эришиш нақарда тутилган. Энг муҳими — солиқларнинг алаҳида баҳолаш мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилиши, яъни солиқ тўловчининг ўзига ижтимоий тўловлар, стимуллар, таълим ва табиий замиёнлар, тарққий этган инфра-тузилмалар ва бошқа нэматлар шаклида фойдаланганлигини чуқур аниқлаш олиши жуда муҳимдир.

Туробжон ЖҲҲАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари. (ЎЗА).

малларнинг яширин ҳолдан чиқиб, қўнунийлаштирилиши ва солиққа оид тушумларини муайян даражада қўпайишига олиб келади. Жумладан, 2002 йилда солиқ ставкаси 24 фоиз бўлгани ҳолда юридик шахслардан 174 миллиард сўм даромад солиғи тўланди, бу эса бюджет умумий даромадининг 9,3 фоизини ташкил этди. Жорий йилда эса даромад солиғи ставкаси 20 фоиз деб белгилангани ҳолда бюджетта 198 миллиард сўм маблағ келиб тушиши ёки умумий даромаднинг 10,5 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Тушумларнинг ҳамми бўйича иккинчи ўринда туралдан жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқни қисқартириш юзасидан амалга ошириладиган чоралар аҳоли даромадларининг реал даражасини ошириш ва тегишли равишда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омил бўлган тўловга лаёқатлигини куйайтиришга йўналтирилган.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг самарали тизимини яратишга оид вазифарнинг аҳамияти мазкур тизимнинг ижтимоий масалаларга дахлдорлиги,

тиришда ресурс солиқлари янада муҳим ўрин тутади белгиланган. Ваҳоланки, ҳозир улар давлат бюджетига даромадларининг сезиларли бўлмаган қисмини ташкил этади (2002 йилдаги ЯИМга нисбатан 1,9 фоизни ташкил этиши ва 2003 йилда 2,2 фоизга этиши кутилмоқда).

Асосий ресурс солиқларидан бири ер солиғидир. Ерга нисбатан солиққа тортиш объекти сифатида ер майдонининг сати қарқор қўрсатиқ сифатида қўлланилади. Шу сабабли бозор конъюктурасининг, хўжалиқ фаолиятининг шартотининг ўзгариши ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳамининг қисқариши солиқ тушумларини суммасининг мутаносиб тарзда қисқаришига олиб келмайди. Ишлаб чиқариш қўламлири ва ҳаҷмлари бўлса бевосита боғлиқ эмаслигини унинг батариб қўлланилишини таъминлайди.

Амалдаги солиқ тизимига ер солиғи ставкалари фойдаланиладиган ер ресурсларининг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ қамраб олманган эди. Улар мазкур ер майдонига қандай маҳсулот — пахта, дон ёки мевасабзот этиштирилишидан қатъий назар қўпичча тенг бўлади. Холбуки, маҳсулот турларидан олинган фойдала катта фарқ мавжуд. Ер солиғи қанчалик самарали ва адолатли эканлиги кўп жиҳатдан ана шу солиқнинг тўловчи қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи билан белгиланади. Шу сабабли, келгусида ставкаларни белгилаш механизмининг шундай ўзгариши керак.

Хозирги пайтда Президентимиз Ислому Каримов томонидан қўйилган жисмоний шахслар даромадларининг солиққа тортилишини такомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солиқ ставкаларини камайитириш ва аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг ўз босқичли тизимдан икки босқичли тизимга аста-секин ўтиш конценциясини давом эттириш вазифарси турибди.

Билвосита солиққа тортиш самарадорлиги - бюджет даромадларининг шакллантиришнинг барқарорлиги гарови

Солиқ тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Бунинг сабаби шундаки, билвосита солиқлар товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан қўшимча тўсга эга бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан тўғри таъсир кўрсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Бундан ташқари, бевосита солиқлар бўйича солиқ юклари камайган бир шартотда бюджетнинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашда билвосита солиққа тортишнинг аҳамияти янада ортади. Рақамларда ифолаланганда бу шунни аниқлашдики, яқин йиллар давомида давлат бюджети таркибида билвосита солиқлар улуғининг орттиши тенденцияси давом этади. Хусусан, 1999 йилда бу рақам 53,9 фоизга тенг бўлган ҳолда 2002 йилда ушбу нисбат 54,6 фоизни ташкил этган (2003 йилда 59,2 фоизга этиши кутилмоқда).

ЯИМга нисбатан барча солиқлар камайган бир пайтда билвосита солиқлар улуғи 13-14 фоизни ташкил этмоқда.

Билвосита солиқлар таркибида акция солиқлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бюджет даромадларининг деярли учдан бири қисминини ташкил этади. Шун қайд этиш лозимки, асосан қунадилик эҳтиж моллари тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга акция солиғига тортилади.

Энг аввало, бу аҳкаот, тамаки ва нефть маҳсулотлари, зарғарлик ва бошқа моллардир. Акциялар тизими бюджетни тўлдиршга оид фискал вазифарлар билан бир қаторда саломатлик учун зарари бўлган маҳсулотлар ва товарлар истеомлини камайитиришга хизмат кўрсатади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умумий солиқ юкнини оптималлаштириш ва камайитириш - давр талаби

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодий тартиб-ахлоқини камайитиришга доир изчил сийсат олиб бориш натижасида ҳар йили солиқ юкнини камайитириш чоралари амалга оширилмоқда. Энг аввало, улар ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, аҳолининг реал даромадларини ва истеом таллабларини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратишмоқда. Бу эса солиққа тортиш механизмининг ошқоралиғига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг баҳарлигиини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Айни пайтда бу ҳол республикамизда қўлланиладиган солиқ тизимини халқаро меъёлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Агар дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларини изоҳловчи статистика маълумотларига мурожаат этсак, шун қириш мумкинки, ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси турли давлатларда турличадир. Бу эса иқтисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, юртитилданган ижтимоий-иқтисодий сийсат йўналиши, муайян мамлакатларнинг геополитик жойлашуви ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Умуман, солиқ юки даражаси бўйича дунё мамлакатларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

— солиққа тортишнинг юқори даражаси — солиқлар салмоғи ЯИМнинг 40 фоизидан ортиқ (Люксембург, Франция);

— солиққа тортишнинг ўртача даражаси — солиқлар салмоғи ЯИМнинг 30 фоизидан 40 фоизгача (Дания, Швейцария, Австрия, Германия, Буюк Британия);

— солиққа тортишнинг ўртачадан пастроқ даражаси — солиқлар салмоғи ЯИМнинг 20 фоизидан 30 фоизгача (Хитой, Индонезия, Миср, Малайзия, Жаңуэй Корея).

Ўзбекистонда солиқ юки даражаси йилдан-йилга мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Агар 1999 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 38,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2002 йилда келиб 33,6 фоизга тушиб, 2003 йилда эса ЯИМнинг 31,4 фоизини ташкил этиши кутилмоқда. 2004 йилда солиққа тортиш даражасини ЯИМга нисбатан 2,5-2,8 фоизгача қисқартириш ёки 28,6 фоизга етказиш режалаштирилган.

Иқтисодийта солиқ юки даражасининг камайитирилиши солиқларни ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш, фискал функцияларни қисқартириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролинини куйайтириш билан бирга давом эттирилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг (фойдасининг) солиққа тортилишини такомиллаштириш

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалиқ юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкнини изчил камайитиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан, биринчи навбатда, уларнинг даромадларидан ундирилган бевосита солиқларнинг салмоғини камайитириш диққат марказда турибди. Бунинг натижасида корхона иқтиёрида қоладиган маблағлар улуғининг қўпайиши эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини қўпайитириш бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақседида кўпроқ инвестиция киритиш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш иккони пайдо бўлади.

Совет давридаги фискал сийсат фойдаланиш ва катта қисминини ундирилишини янада тақсимланганини кўзда тутиш эди. Даромад солиғининг ўта юқори ставкаларидан олингани (1990 йилдан бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил этган) шундай вазиғатни вуҷудга келтирдикки, корхоналар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашдан манфаатдор бўлмади қолди.

Айнан шу сабабли мамлакатимизда даромад солиғини камайитириш асосий мақсад қилиб олинди. Натижада, 1995 йилга келиб даромад солиғи ставкаси 38 фоизга тушиб, 1999 йилда - 33 фоизга, 2003 йилдан бошлаб эса бу кўрсаткич дундаги энг кам даражага - 20 фоизга туширилди. Келгуси режаларда - даромад солиғини янада камайитириш мўлжалланган. Шун қайд этиш лозимки, ҳақ истеом молларини, болалар учун мўлжалланган товарларни ишлаб чиқаришни, маҳаллий товарлар экспортини рағбатлантириш мақседида бундай товарлар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан даромад солиғининг паст ставкаси (7 фоиздан 16 фоизгача) қўлланилади.

Ишлаб чиқарувчи нисбатан солиқ юкнининг камайитирилиши даро-

ЮРТ ОШИФИ

Расул Ҳамзатов — 80 ёшда

Расул Ҳамзатовнинг "Сардори менман" номли бизга яхши таниш шеъри шундай сатрлар билан бошланади:
**Ошиқларинг чира, тинмас забонман,
 Ҳамон ёниқданман, танангда жонман.
 Агар ошиқларинг юз мингта бўлса,
 Ўзганик уларнинг сардори менман.**
 Бир қараганда, бу сатрлар ошиқ йигитнинг ёрига ноласидай туюлади. Шеър ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, у шоирнинг ўз халқига бўлган улук муҳаббатининг ифодаси эканлигига амин бўласиз. Юрагидаги ана шу улук муҳаббат туфайли Расул Ҳамзатов дунё шеърятининг устунларидан бирига айланган.
 Ана шу муҳаббат боис Расул Ҳамзатов — Доғистондаги кичик Авар элини катта

оламга танитди ва машҳур қилди.
 Ана шу муҳаббат туфайли 13-14 ёшларидан шеърлар ёза бошлаган йигит 16 ёшида ўз юртининг таниқли шоирига айланган.
 Ана шу муҳаббат тафти билан ёзилган шоирнинг дастлабки асарлари шеърят шинавандаларининг сеvimли, жаҳон шеърятининг эса энг дурдона асарларига айланган.
 "Тоғ кўшиги", "Менинг қалбим тоғларда", "Доғистоним", "Тоғ қизи", "Юксак юлдузлар", "Туғилган куним", "Тоғликнинг ватани", "Овулдан хат" сингари ўнлаб шеърлий китоблари, қатор поэмаларининг дунёга келиши ҳам шу муҳаббат боис бўлса, не ажаб.



Расул ҲАМЗАТОВ

ОНА ТИЛИМ

**Ажабо! Туш деган нарса қизик-да,
 Ҳали қолганмишман тушда ноҳақон.
 Кўксимда кўрғошин, кўши тизғида,
 Тоғлар орасида ётибман бежон.**

**Фигон отилади жонсиз бағримдан,
 (Тўё фиғон бордек мурда дилида.)
 Шу пайт икки киши ўтди наридан,
 Кувноқ суҳбат қуриб авар тилида.**

**Майли, қашшоқ бўлсин,
 майли, беҳашам,
 Лекин менинг учун азиз ва суяқ.
 Жаҳон минбаридан**

**Узоқда шарқираб сойлар оқмоқда,
 Борлиқда бир ажиб дилбарлик ҳоким.
 Мен эсам ўйлашман ётиб тупроқда,
 Мана шу тупроққа кўшилар ҳоким.**

**Мен-ку бу дунёдан кўз юмдим мангу,
 Улар кулаб-кулаб сўзлашар борин.
 Қандайдир Ҳасаннинг турфа ишию,
 Қандайдир Алининг шўх кирдикорин.**

Она тилим менга муқаддас, буюқ.

**Мен ўлиб ётибман, кимсасиз, унут,
 Ҳеч кимса қайғурмас ва чекмас ёху.
 Фақат чўққиларда қуқураб бургут,
 Фақат водийларда инрайди оху.**

**Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
 Охста тирилдим ва шунда билдим:
 Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,
 Жонимга масиҳдир шу она тилим.**

**Юртдошларим туриб қабрим олдида,
 Кўрсатсин аварнинг шоири шул деб.
 Элим ёдга олсин она тилида
 Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул деб.**

**Навқирон ёшимда бўлдим-ку адо,
 Оташ юрагимни ўйди ахир ўқ.
 На онам, на ёрим бермади садо,
 Дуст туғул ҳаттоки йигичи ҳам йўқ.**

**Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
 Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
 Эрта она тилим агар йўқолса,
 Мен бузун ўлишга бўлурман ризо.**

Эркин ВОҲИДОВ таржимаси.

Совфалар улашилди

«Халқ сўзи» ижодий жамоаси бир неча йилдирки, ижодий ишларни янада жонлаштириш билан бирга юртимиз келажаги бўлган ёш авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳомийлик қилиш каби савобли ишни амалга оширмоқда. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Хоразм вилоятининг Қўшқўлир туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган Отаҳон Раҳимов номли 44-урта мактабнинг истиқлол тендошлари бўлган ўқувчиларини

ҳам газета ўз оталиғига олган, «Ўзбек телеком» Акционерлик компанияси «Хоразм телеком» филиали билан биргаликда болажонларни кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлаган эди. Янги ўқув йилини бир олам қувонч билан бошлаган 12 ёшли бу ўқувчилар «Халқ сўзи» ижодий жамоасининг совғалари — 6-синф учун мўлжалланган ўқув дарсликларини олиш-

ди. 250 минг сўм миқдоридеги китоблар билан бирга Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг тўрт томи ҳам топширилди. Болаларга китоб топшириш тадбирида иштирок этган туман халқ таълими бўлими мудир Бектурди Собиров, Қўшқўлир туман «Ҳаёт кўзгуси» газетаси муҳаррири Бекнўлат Ҳасанов, мактаб директори Йеомил Отаниёзов ва бошқалар бу

савобли иш ўқувчилар маънавиятини бойитишда муҳим аҳамият касб эттишгани, «Халқ сўзи» газетаси жамоасининг бу хайрли иши мустақил Ўзбекистонимиз эртаси бўлган ёшларимизнинг шу ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишишида катта ҳисса қўшаётганликларини алоҳида таъкидладилар.
Ойбек РАҲИМОВ,
 «Халқ сўзи» муҳбири.

ДАТ «АСАКА» БАНКИ



«ЎЗДЭУавто» компанияси

билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига автомобиль сотиб олиш учун

КРЕДИТ БЕРИШ

ишларини қайтадан бошламоқда!



КРЕДИТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

- шахсий маблағларнинг дастлабки бадали автомобиль баҳосининг 60% ташкил қилади;
- автомобиль баҳосининг 40% миқдоридега берилган кредит йиллик 20% тўлов билан 2 йил муддатга расмийлаштирилади;
- сотиб олинган автомобиль бериладиган кредит учун гаров сифатида қабул қилинади;
- барча зарур ҳужжатларни автосалонларда бевосита расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-81-73, 120-82-23.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, халқ шоири Шукролло ва бошқалар Расул Ҳамзатов ижодида эзгулик ва ёвузлик, алолат ва зулм, маърифат ва жаҳолат, муҳаббат ва нафрат ҳақидаги ўй-тушунчалар ўзига хос миллий оҳанг, жозоба билан ифодаланганини таъкидладилар. Шоирнинг кўп қабил асарлари ўзбек китобхонларининг ҳам кўнгил мулкига айланган.

Н. УСМОНОВА,
 ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Мақомаи ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ижтимоий ҳимояга муҳтож ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, болаларни боғчага ва мактабдан ташқари муассасаларга жалб этишга қаратилган ишларнинг аҳоли муҳокама этилди.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Мазкур жойларда бу борада муайян ишлар амалга оширилганлиги, жумладан, Жиззах вилоятида ҳуқуқий тарбия аҳолини яхшилаш мақсадида халқ таълими бошқармаси ва вилоят прокуратурасида илгор тажрибани оммалаштирувчи «Услубий хона» фаолияти йўлга қўйилгани таъкидланди. Сурхондарё вилояти Денов туманида «Лочин» фермер хўжалиги томонидан 200 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига қишлоқ врачлик пункти ва умумий ўрта мактаб қурилган. Айни пайтда мактабдан ташқари спорт тўғрисидаги замонавий мажмуа бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган.

Қашқадарё вилоятида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида «Она ва бола» скрининг вилоят марказига тўқсон минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилган. Шу билан бирга, йиғилишда бу каби ижобий ишлар ҳамма жойда ҳам қатъият билан амалга оширилиши, мавжуд барча имкониятлар ишга солиниши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

2003 йилнинг 10 сентябридан бошлаб қуйидаги йўналишлар бўйича қисқа муддатли курсларга қабул эълон қилади:

1. «Компьютер саводхонлиги» курси бўйича бошловчилар учун 48 соатлик:
 - WINDOWS ME операцион тизими;
 - MS OFFICE 2000 дастури пакети;
 - WORD 2000;
 - EXEL 2000;
 - ACCESS 2000 дастурлари бўйича компьютерда ишлаш кўникмаларини эгаллаш.
2. Инглиз тилини ўрганиш бўйича 3, 6 ва 10 ойлик курслар:
 - инглиз тили грамматикаси;
 - фонетика;
 - сўзлашув кўникмалари;
 - инглиз тилини ўрганиш бўйича аудио, видео ва компьютер дастурлари.

Инглиз тили курслари бошловчилар ва бошланғич билимга эга шахслар учун алоҳида гуруҳларда олиб борилади. Машғулотларни Тошкент давлат иқтисодий университетини ва бошқа олий ўқув юрталарининг илгор хорижий мамлакатларда тажриба оширган етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Ўқиб гуруҳлар тўлишига қараб бошланади. Ўқиб якуни бўйича битирувчиларга тегишли намунадаги сертификат берилади.

Маълумот учун телефон: (3712) 45-24-40, факс/тел.: (371) 132-63-42. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй (Муқимий театри биноси орасида), собиқ 1-ётоқхона биноси, 2-қават, Ихтисослашган олий бизнес мактаби (Тошкент давлат иқтисодий университети ҳудуди).

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанинг бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — **БИЗНИСНИНГНИНГ ҚУЛАБ-ҚУВАТЧИСИ!**

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

2003 йил АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Аспирантурага клиник йўналишдаги мутахассисликлар бўйича ушбу йўналишдаги магистратура ва клиник ординатуранинг тугатган мутахассислар, мутахассис-врачлар қабул қилинади.

14.00.01	— акушерлик ва гинекология (1);
14.00.03	— эндокринология (1 мақсадли, Эндокринология илмий-тадқиқот институтида);
14.00.05	— ички касалликлар (1);
14.00.06	— кардиология (1);
14.00.08	— кўз касалликлари (1 мақсадли, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида);
14.00.13	— асаб касалликлари (1 мақсадли, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида);
14.00.14	— онкология (1 мақсадли, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида);
14.00.22	— травматология ва ортопедия (1);
14.00.28	— нейрохирургия (1);
14.00.37	— анестезиология ва реаниматология (1 мақсадли, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида).

Жами: 10 та.

Докторантурага 45 ёшгача бўлган фан номзодларидан танловда иштирок этиш учун қуйидаги мутахассисликларга ҳужжатлар қабул қилинади:

14.00.09	— педиатрия (1);
14.00.27	— жарроҳлик (1).

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 15 октябрь.

Бизнинг манзил: Андижон ш., Ю.Отабеков шоҳқўчаси, 1-уй, АДТИ. Телефонлар: 37-93-53, 25-50-68.

Андижон давлат тиббиёт институти ректорати.

ЎЗБЕКИСТОН КУТУБХОНАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ЎЗТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИК ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — Кўмак жамғармаси

2003 йил 20 сентябрдан 30 сентябргача «КИТОБХОНЛИК КУНИ» деб номланувчи туркум тадбирлар ўтказилади.

Бош ҳомий — Ўзбекистон Очиг жамият институти — Кўмак жамғармаси.

Тадбирлардан кўзланган мақсад — билим олишга бўлган қизиқишни рағбатлантириш (айниқса ёшлар ўртасида), китобхонларнинг кутубхона хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш, Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолиятини ривожлантириш, шунингдек аҳолига ахборот хизмати кўрсатишда янги технологияларни қўллашни намойиш этиш.

«КИТОБХОНЛИК КУНИ» доирасида қуйидаги тадбирларни ўтказиш режалаштирилмоқда:

- китоб, дисклик (шу жумладан электрон), журнал, илмий-маърифий порталар, маълумотлар базалари тақдирларини ташкил қилиш;
- китоблар ярмаркалари ва кўрсалмалари очилиш;
- кутубхоналарда китобхонлар билан учрашувлар ўтказиш учун ёзувчи, шоир, фан ва санъат арбобларини ташкил этиш;
- кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни муҳокама қилиш, ёшларда китобга бўлган қизиқишларини уйғотиш ва бошқа масалалар бўйича даяра столар, семинарлар, телекурслар ташкил этиш;
- мактаб ўқувчилари ва талабалар учун кутубхоналарга экскурсия ташкил этиш, уларни керакли маълумотларни топиш йўллари билан таништириш (кутубхона каталоглари, шу жумладан электрон каталоглар орқали) ва бошқалар.

Тадбирлар пайтида Ўзбекистон кутубхоналарига ташкилотлар, нашрийтлар ва фуқаролардан китобларни совға қилиш хайрия тадбирлари ўтказилиши кутилмоқда.

Адабиётлар Ўзбекистон кутубхоналари ассоциацияси (манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, телефон: 133-35-07), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Республика кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарда қабул қилинади.

Барча қизиқувчиларни, шу жумладан, ҳотийларни тақдир тақдир тадбир — Китобхонлик кунинида иштирок этишга таклиф этамиз.

